

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Юнусобод деҳқон бозори”
АЖ директори
О.Р.Джумаев
“7” май 2021 йил

“Юнусобод деҳқон бозори” АЖ да 9 май – Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан “Ўзбек халқининг иккинчи жаҳон урушида кўрсатган буюк жасорати” мавзусида
МАЖЛИС БАЁНИ

2021 йил “7” май

Тошкент шаҳри

Мажлис раиси

“Юнусобод деҳқон бозори”
АЖ директори О.Р.Джумаев

Катнашдилар :

“Юнусобод деҳқон бозори” АЖ хавфсизлик
бўйича директор ўринбосари З.Юсупов
“Юнусобод деҳқон бозори” АЖ умумий
ишлар бўйича директор ўринбосари
С.Сафаров
“Юнусобод деҳқон бозори” АЖ маънавий
ва маърифий ишлар бўйича инспектори
М.С.Асатова

Жамият ишчи-ходимлари
20 киши

КУН ТАРТИБИ:

9 май – Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан “**ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ**” мавзусида

Мажлисни жамият директори О.Р.Джумаев очик деб эълон қилиб, мажлисга таклиф қилинганларни ва кун тартиби билан таништирди. 9 май – “Хотира ва Кадрлаш” куни 1999 йили 9 май куни Ўзбекистон пойтахтида Хотира майдони очилди ва шу кундан буён 9 май Хотира ва кадрлаш куни деб нишонланмоқда. Ушбу байрам мустақил Ўзбекистон асрлар давомида қаҳромонона ўлкамизни ҳимоя қилган, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва халқининг тинчлиги учун курашган ватандошлар хотирасига бағишланган. Хотира ва кадрлаш тушунчаси чуқур маънога эгадир. Ушбу кунда фашизмга қарши курашишларда қатнашган, ўз Ватанини ҳимоя қилишда жонига фидо қилган, шунингдек Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро каби қаҳрамонлар ва асрлар давомида халқ орзу қилган эркинлик учун курашган Кодирий, Бехбудий, Мунавварқори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир каби миллий қаҳрамонларимизни руҳини шод этиб эслаш ҳам фарз ҳам қарздор. Инсоният иккинчи жаҳон урушида қатнашган, бу аёвсиз жангу жадалда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотирасини асло унутмайди.

Жамоа шартномасига асосан жамиятимизда кўпдан бери ишлаб келган Афғонистонда қўлдан келган ходимимиз Юрист-консулт А.Н.Бегалиев рағбатлантириш таклифини берди.

Кун тартибидаги масала бўйича директор ўринбосарлари З.Юсупов ва С.Сафаровлар ҳам сўзга чиқишиб директор таклифини қўллаб қувватладилар.

Мажлисида кўрилган масалари бўйича:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. 9 май Хотира қадирлаш куни муносабати билан жамият жамоа шартномасига асосан жамиятимиз ходими А.Н.Бегалиевга бир ойлик маоши ҳисобида рағбатлантирилсин.
2. Ушбу қарорни ижросини бажариш Бош мухосиб М.Мавлянова ва ходимлар нозирини Н.Алимовага юклатилсин.

Мажлис котиби



М.С.Асатова